



Тасвир

ҒОЙИБ БЎЛГАН АВТОМОБИЛЬ

Шу йилнинг 24 июлида Ҳамза тумани ИИБ навбатчилик қисмида телефон жиринглаб қолди.

Лисунов даҳасининг 1-маҳалласида яшовчи Алексей Черепанов 302-гараждан ўзининг «ВАЗ-2106» белгили П 83 77 ТН рақамли машинасини ўғирлаб кетишганини маълум қилди. Зудлик билан оператив гуруҳ тузилиб, унга шаҳар ИИБ жиноят қидирув бошқармаси ходимлари милиция капитанлари Малик Аҳмедов, Бахтиёр Ҳайдаров, туман ИИБ терговчиси милиция капитани Виктор Тхай ва катта эксперти милиция лейтенанти Александр Эповлар киритилди.

28 июль куни шу даҳада яшовчи Вадим исмли йигитнинг уйдан ўғирланган автомашинанинг «Электроника-202» белгили магнитофони топилди. Кейин эса машина Сергей Цойга сотилгани маълум бўлди. Андрей Теннинг уйдан эса 1100 сўм «савдо» пули топилди.

Сирғали туманида яшовчи Сергей Цой 3000 сўмга ҳарид қилинган машинани Альберт Хачатуров гаражида автоген ёрдамида бўлақларга ажратиб ташлади. Ҳозир жиноий гуруҳ иши




кўриб чиқилмоқда. Яқин ўртада улар суд олдида жавоб берадилар. Шунинг учун машина ўғирлигига даҳлдор кишилар исм-шарифи ўзгартирилиб кўрсатиляпти.

Ҳабиб ШУКУР.

СУРАТЛАРДА: терговчи милиция катта лейтенанти Шўҳрат Шодиметов йўқолган машинадан қолган бўлақларни кўрсатяпти; Тен уйдан топилган пушлар.

Музллиф олган суратлар.



ҚУЛҒА ТУШГАН ҚУЛҒБУЗАРЛАР

Комилбой билан Муродбой юлдузи юлдузига тўғри келганлардан-да... Иккалови ҳам Урта Чирчиқ туманидан. Шундоққина биқинма-биқин жамоа хўжаликлариде яшашади. Иқовлари ҳам деҳқон. Устига-устак тенгдошлигини айтмайсизми? Энг ҳайратланарлиси шундаки, бу азаматлар содир этган жиноятлари учун икки мартадан жазо муддатини ўтаб чиққанлар. Аммо тавбасига таянишмаган экан хали...

1990 йилнинг 26 июли. Саратон. Қолхозчилар мўл ҳосил илнжиде жазирамани жазирама демай далаларда кетмон чопишарди. Бу пайтда Комилбой эса Янгиҳаёт қишлоғида яшовчи Р. Акбаровнинг кимсасиз уйини «тафтиш» қиларди. Зум ўтмай давлат нархи 526 сўмлик «Комета» магнитофони, 80 сўмлик иккита чет эл шими унинг халтасига жойланди.

Бу қулғбузарлик Комилбойнинг соф фойдасига ҳал бўлди ҳисоб. Уни ҳеч ким пайқамди, Бундай голиблик кимни ҳам гурурлантирмайди, дейсиз? Бироқ Комил-

бой энди ёлғиз ов қилишни истамасди. Садоқатли шерик керак эди унга. Излаганга толе ёр деганларидек, эски қадрдони Мурод дарров унинг дидига мос тушди. Алқисса, икки дўстнинг мўмай даромад пайида ғаройиб саргузаштлари бошланиб кетди. Аввалига Дўстлик кўчасида истиқомат қилувчи Ш. Қосимовнинг уйдан жами 2612 сўмлик қийматга эга буюмларни гумдон қилишди. Сўнгра Бектемир қишлоғидаги бир қанча оилаларни чирқиратиб кетдилар.

Текин тешиб чиқади, деган ажойиб нақл бор халқимизда. Шунинг учун ҳам иттифоқчиларнинг голибона юришлари кўзёш билан тугади. Улар Охунбобоев номи жамоа хўжалигининг 4-бригадасида яшовчи А. Кенжаев уйини «суприб-сидириб» чиқишаётганда, унинг қўшнилари томонидан силлиққина қўлга олинди-лар.

Бу азаматларнинг навбатдаги борар манзилларини белгилаш одил суд ҳакамлари ихтиёрида қолди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

Ф. СП-1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
"ПОСТДА" 64615
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

ЎЗНОМАСИГА ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64615

п.в.

жойи

(нашр кўрсаткичи)

"ПОСТДА"

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сони
янги ман-вилга юбориш	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ФИДОИИ КИШИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ВАРЗИК ПОСБОНИ

Хизмат тақозоси билан Чустга кетаётгандик. Йўлда саратон тафтидан лоҳасланган бир киши қўл кўтарди. — Шаҳаргача олиб кетинглар, — дея илтимос қилди. Яна йўлда давом этдик. Нотаниш ҳамроҳимиз ўрнашиб ўтириб олдида:

— Мелисанинг машинасини нега тўхтатди, деб ҳайрон бўлманглар, — деди ва терлаб кетган юзини гижимланган даструмоли билан артиб олгач, сўзида давом этди.

— Авваллари сизларга ўхшаганлардан олисроқ юришни хоҳлардик. Ҳе йўқ, бе йўқ, чўчирдик. Энди эса формали кишиларни кўрганда, худди ўзимизнинг қадрдонимизни учратгандек бўламиз. Ҳа, бизнинг қишлоқда шунақа.

Ҳамроҳимизнинг «бизнинг қишлоқда шунақа» деганини эшитиб, ҳойнаҳой, участка вакилини назарда тутатган бўлса керак, деб ўйладим.

— Шу десангиз, ўтган йили ўзимизнинг қишлоқда туғилиб-ўсган Камолхон участкавий бўлиб ишга келдию, етти яшардан етмиш яшаргача ҳамманинг кўнглига йўл топди. Бир кунни кўшнимнинг боласи касал бўлиб қолди. Шифохона деганлари олисда — туман марказида, Аксига олиб, йўловчи машиналар ҳам тўхтамайди. Оёғи куйган товукдек типирчилаб турувдик, аксининг машинасида Камолхон келиб қолди. Йигит бояқиш зийракда, дарров тўхтаб, машинага таклиф

қилди. Йўлда кетаётиб, қўшим менга ҳайратомуз қаради. Унинг қарашидан «милиционерлар орасида ҳам шунақа савобталаблари бўларкан-а?» деган маънони тушуниб, кўзимни қисиб қўйдим. Э, бунақа воқеалар кўп бўлган...

У бир оз жим турдида, кейин яна қўшиб қўйди.

— Омон бўлгур, ёш бўлса ҳам уруш кўрган. Ҳарбийда Афғонистонда бўлган. Ушанда одамларнинг қадрига етадиган бўлганми — худо билади.

Тўғриси айтганда, ҳам касбларимиз ҳақида юракдан чиққан илқ гапларни эшитиш менга ёқди. Шу боис Камолхон деганлари билан танишиш ниятида машина тезлигини оширдик.

— Ходимларимиз ёмон эмасу аммо Камолхон Мавлоновга ўхшаганлар кўпроқ бўлса, зарар қилмасди, — дейди Чуст тумани ИИБ бошлиғи милиция майори Т. Холдоров. — Ўтган йилнинг биринчи ярмида у хизмат кўрсатаётган участка ҳудудида учта жиноят қайд қилинган эди, бу йил эса атиги битта. Эндигина 28 ёшга кирган бўлсада, кўп ишларни қўлаятти, азамаат.

Кейин Камолхоннинг ўзи билан учрашишга муваффақ

бўлдик. Узаро суҳбат давода қишлоқ аҳли билан яқиндан тил топишганига ишонч ҳосил қилдик.

— Одамларимиз яхши, — дейди милиция катта лейтенанти мамнуният билан, — агар мен сезмай қолган бирор қоидабузарлик бўлса, дарров айтишади. Ҳатто менга яқиндан ёрдам беришади.

... Уша кунги жиноятнинг очилишида ҳам оддий фуқаролар кўмак беришди. Камолхон энди ишдан уйига келиб турувди ҳамки, фаоллардан икки киши адирда икки нафар бегона йигит мол етаклаб юрганини айтиб қолишди. Дарров йўлга тушишди. Тунги шарпалар уларни сезиб қолишди ва қоронғи тушганидан фойдаланиб, ғойиб бўлишди.

Участка вакили ҳамда фаоллар ўғирланган молни Фрунзе номли жамоа ҳужалиги фермасига вақтинча олиб бориб қўйишди. Саҳар пайти эса қўшни Қирғизистоннинг Чотқол туманидаги Шокафтар посёлкасида жўнашди. Посёлка кўчаларини айланиб юриб, ерни чопиқдан чиқараётган икки кишига кўзлари тушди. Улардан бири милиция катта лейтенантига кечаги номаълум шарпани эслатди. Адаша-

етганим йўқмикан, дея иккиланди. Лекин ҳамроҳлари унинг ҳаёлидаги гумонни тарқатиб юборишди.

— Уша, кечаги ўғриларидан бири, аниқ танидим.

— Ҳа, тўғри, худди ўша, ўзгинаси!

Камолхон ҳамроҳларини машинада қолдириб, ўзи ер чопаетганларга яқинлашди.

— Ҳормасинлар! — деди одоб билан.

— Э, келинг, меҳмон! — дея улардан бири пешвоз чиқди. Иккинчиси эса қайрилиб қарашга ҳам ботинмади.

Адирликка — молни етаклаб юрган жойга келишди.

Ишларни текшириб кўришди. Ниҳоят, ўша посёлкада 1967 йилда туғилган Н. Шаропов айбига иқрор бўлди.

— Ўзимизнинг посёлкада турадиган Фатулло Атқиевнинг молини ўғирлагандик, — деди гуноҳкор кўзларини ердан узмай. — Шеригим С. Турсунбоев. Молни иккимиз Чуст бозорига пулламоқчи эдик...

Участка вакили ишни пухта ҳужжатлаштириб, охирига етказиш учун Чотқол тумани ИИБга толширди.

Неъматжон МАМАЖОНОВ,
милиция майори.

СУРАТДА: участка вакили милиция катта лейтенанти Камолхон Мавлонов қишлоқ фаоллари даврасида.

Суратни муаллиф олган.



КЕЛДИ-Ю КЕТДИ

Леонид Степанов эндигина 21 баҳорни қаршилаган. Шундан тўрт йилни қамоқхонада ўтиришга бағишлаган. Бунинг эвазига эса битмас-туганмас «тажриба» ўрганиб қайтди. Яъни фирибгарлик, зўравонлик, ўғирлик ва ҳоказоларни ўрганди.

— Э, қўшниллар, яхши ўтирибсизларми? — Леонид ўзини мулоим кўрсатиб йигитлар даврасига кириб келди.

— Шу денг, бир ўзим зерикиб ўлай, деялман. Магнитофонларингни 1-2 соатга бериб турсангиз. Йўқ де-

манг, шахсан қўлингизга топширмасам, Леонид исминини бошқа қўяман.

У шундай деб устамонлик билан студент йигитларнинг кунига яраб турган «Весна-202» магнитофонини олиб кетди. Кейин эса 1-2 соат у ёқда турсин, ҳаттоки 20 кундан кейин ҳам буюм эгаларига қайтарилмади.

Магнитофондан умидини узмаган Х. бу ҳақда Леониднинг онасига бориб шикоят қилди.

— Уғлим, — деди оназор. — Студентларнинг магнитофонини олган экансан. Дарров эгасига қайтар.

— Тухмат! — деди Леонид ўдағайлаб. — Мен уларга кўрсатиб қўяман...

Кутилмаган шовқин-сурондан дарс тайёрлаб ўтирган студентлар нима бўлаётганини тушунолмаб ташқарига чиқдилар. Чиқдилар-у, ўзларини безорилар қўршовида кўрдилар.

— Урларинг! — дея қичширди Леонид шерикларига. Яқинда Ленин тумани халқ судида Ж. Шораҳметов раслигида бўлиб ўтган мажлисда яқиндагина озодликка чиқарилган Леонид Степановни яна келган жойига жўнатиш ҳақида ҳукм ўқиб эшиттирилди.

Х. МҲДИНОВ.

Кўпнинг ҳақи ёмондир

Менинг ўзим асли фарғоналикман. Болалигим жаннатмакон ўлка ҳисобланмиш водий қишлоқларида ўтган. Уша маҳалларда одамгарчилик, ҳалоллик деган ибораларнинг салмоғи юқори эди. «Кўпчиликнинг ҳақини ема, у етимнинг ҳақидан кўра ёмонроқдир» — деб катталар бизга панд-насихат қилишарди. Уйлаб қарасам, чиндан ҳам у даврларда одамларда ор-номус, инсоф, деган ҳис-туйғулар кучли бўлган экан. Ҳатто дўконларга кириб, пулнинг чўғи камроқ бўлса, у-бу нарсаларни насияга олиб кетар, айтилик, бир-икки кундан кейин қарзимизни қайтарардик. Сотувчилар одамларнинг ҳақини уриб қолишдан қаттиқ чўчишарди.

Энди-чи? Бозорлару дўконларда тақчиллик худди чирмовукдек ҳамма ёқни ўраб олапти. Ҳатто андишани йиғиштириб қўйиб, инсофдан кўз юмиб, нафс кулига айланиб бораёпмиз. Мана, бир мисол.

Жуманазар Асқаров шу вилоятнинг Киров туманида туғилган. Қораянтоқ қишлоғида истиқомат қилади. Маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш корхонасида ишлайди. Ҳозир қишлоқда у ҳақда гап кетса, қариялар афсусланиб бош чайқашади.

— Палаги тоза бола эди-ю, ҳаҳ, аттанг!

Чиндан ҳам уларнинг афсусланганларича бор. Жуманазар уйда дурадгорлик қилар, гўлдай хунарини ишга солиб, эшикром ва шунга ўхшаш нарсалар ясаб сотарди. Топиш-тутиши ёмон эмасди. Шундай йигит нафсининг гапига кириб адашди, суднинг қора курсисига ўтирди. Суд раиси М. Раҳимова айбонмани ўқиб эшиттирар, у эса кўзларини ердан узолмас эди.

— Айбланувчи Жуманазар Асқаров уй ишчиси вазифасида ишлайди. Давлат корхонасидан нақд пулга қурилиш-таъмирлаш ишлари учун материалларни сотиб олиб, қайта ишлаб, кейин аҳолига белгиланган нархда пуллаши керак. Лекин у осон йўлни топиб олди. Фуқаро Сиддиқовга узунлиги 4 метрлик 47 донна, 3 метрлик 4 донна, 6 метрлик 3 донна ёғочларни кўтарасига сотиб юборди. Бу ма-

териалларнинг давлат нархи 70 сўм 40 тийин бўлиши керак эди, у эса 159 сўм 60 тийин ортиқча олган. Кейин эса 140 сўмлик ёғочни 260 сўмга пуллаган. Қарасаки, ишламаса ҳам мўмай даромад топиш мумкин. Ортиқча меҳнат сарфлаб, ўзини қийнашни кейинчалик ҳам хоҳламади. Расулжон Абдурахмоновга 250 донна синчбоп ёғоч бериб, марҳамат кўрсатди. Лекин бекорга эмас. Бу савдодан унинг чўнтағига 258 сўм 50 тийин «соф фойда» тушди.

Хайриятки, халқимизнинг кўксига раҳм-шафқат, деган фазилатлар сувсиз ниҳолдай қовжираб-қуриб қолмаган.

— Ўзингиз биласиз, қурилиш материалли анқонинг уруғи бўлиб кетган, — деди гувоҳ сифатида иштирок этаётган Раҳимжон Сиддиқов суд ҳайъатига мурожаат қилиб. — Ўзбек эса уй қурмаса иложи йўқ. Ўзим Жуманазарга дастлаб 1000 сўм бериб, ёғоч топиб беринг, деб илтимос қилганман. Яқинда ундан ортиқча тўланган 419 сўм 60 тийин ҳақини қайтариб олдим. Илтимос, унинг айбидан ўтинглас...

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди иккинчи гувоҳ Расулжон Абдурахмонов. — Жуманазар менга ҳам 258 сўм қайтариб берди. Унга даввоним йўқ, енгиллик беришларингизни сўрайман.

Шундан кейин айбланувчининг ўзига сўз берилди. Эҳ, одамзод, дейман унга термулиб. Пешонанг деворга «так» этиб урилмагунча, кўзинг очилмайди. Наҳотки, шунчалар калтабинсан! Оз есанг ҳам, ота-боболар ўргатганидек, ҳалол яшаб, тинчгина юрaversанг бўлмасмиди?

— Ешим ўттиз олтида, — деди Жуманазар Асқаров йиғламоқдан бери бўлиб. — Ғўр эканман, қаттиқ янглишдим. Қинғир ишнинг қийини чиқишини энди тушуниб етдим. Қарамоғимдаги бешта болам ҳурмати, бу сафарча мени кечиринглр...

Халқ суди уни ЖМнинг 175-моддаси «Б» банди билан айбдор деб топди ва 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб этиш ҳақида ҳукм чиқарди. У жазони иш жойида ўтайдиган, ойлик маошининг 20 фоизи давлат фойдасига ўтказиладиган бўлди.

Алп ЭРДОН

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Кейинчалик Брежнев Украинада юқори амалга мингач ҳам, Шчелоковни ёддан чиқармади, уни масъул лавозимларга кўтарди.

Брежнев Молдавия Компартияси етакчилигига ўтгани заҳотиёқ Шчелоков шу ерда ҳозир нозир бўлди.

— Александр Филиппович, Шчелоковнинг шахсий ишномаси (делоси) да диққатингизни жалб этган қирралар борми? — сўрадим Катусевдан.

— Шахсий ишномадаги айрим жойларда унинг хислатини тўла акс эттирадиган томонлар кўзга ташланади. Унинг уддабуронлигига, бошлиқлар билан алоқа ўрнатиш уқувига тан бериш керак. Бироқ ўзи қаториларга паст назар билан қараган ва мансабга ўчлигини яширмаган ҳам. Шу маънода Ишчи-Дехқон Қизил Қўшин Бош сиёсий бошқармаси кадрлар бошқармаси катта йўриқчиси Пахомовнинг полковник Шчелоков ҳақидаги хулосаси эътиборга лойиқ: «Нуқул ўзини мақтайди, Қўшин Ҳарбий Кенгаши аъзоси этиб тайинланиши тўғрисида овоза тарқатади. Наридан борса, ўқчи дивизия сиёсий бўлими (СБ) бошлиғи қилиб тайинлаш мумкин, холос». Бунга ўхшаш хулосани шу бошқарманинг бўлим бошлиғи Гаврилов ҳам қозога туширган: «Сухбатлашдим. Ўқчи дивизия СБ бошлиқлигига тавсия этиш мумкин. Ўзи хўжалик ишларига мойилроқ. Дивизияга жўнатиш хизматига нисбатан бўлган айрим юзаки ёндашишлардан ва ўз кучига ортиқча баҳо беришдан қутулишда кўмаклашади».

— Бироқ «хўжалик ишларига мойиллик» фронтдан чўчиш, дегани бўлмаса керак?

— Албатта. Малаканомаларда ҳамма вақт унинг шахсий жасурлиги таъкидланади. Лекин бу қозоғларда диққатга сазовор бошқача ёзувлар бор: «Домий назоратга муҳтож». Брежнев бу ҳужжатлар билан танишганига қарамасдан Шчелоковни ҳар қандай назоратдан ҳоли қўйди.

ҒАМХҲҲ ОИЛА БОШЛИҒИ
Шчелоков давлат ва жамоат ишлари билан ўта бандлигидан қатъий назар оилга ғамхўрликдек ажойиб хислатни ўзида тўласича намоён этганди. Бундан қайночасига нисбатан ҳақиқий ўғиллик муносабатида кўра-миз.

Шчелоков рафиқасининг отаси В. Попов 1905 йилда туғилган. Маълумоти — 7 синф, Краснодарда яшаган. Мебель комбинатида сирловчи бўлиб ишлаб, ойнага ўртача 87 сўм маош оларди. Бу билан тузуқроқ нафақали бўлишга умид қилиш амри маҳол эди. Мехр-муҳаббати беқиёс кўёв бундай пайтда нима қилиши керак эди? Қайнота ҳеч нарсадан зориқмаслиги учун барча шаронтни яратиб зарур. Шчелоков ҳам қараб ўтирмади.

1969 йил апрелида Попов Краснодар вилояти ИИБ хўжалик бўлими бошлиғи ўринбосари этиб тайинланди, ноябрь ойида Шчелоков унга «ички хизмат майори» унвони бериш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. 1970 йил майида «майор» Поповни касаллиги туфайли истеъфога чиқаришиб, 120 сўм миқдорда нафақа белгилашди.


Бу билан қўли очик кўёвнинг меҳрибончилиги хотима топмади. 1973 йили Шчелоков эстрада хонандаси Эмиль Горовецга қарашли Москва яқинидаги Болшево қўрғонида жойлашган катта чорбоғи бор, икки қаватли уйни сотиб олди. Ҳужжатларини қайночаси номига расмийлаштирди. Попов шунан, ақл бовар қилмайдиган барча қўлайликларга эга (ҳатто товуқхонали) қишки далаҳовлида яшай бошлади.

Попов 1981 йили оламдан ўтиб, катта иззат-икром билан қабрга қўйилди. Агар шунчаки англашилмовчилик тилини қичитмаганда эди, мен бу маросимни эслатиб ўтмасдим. Унинг жанозасига ишлатилган 1 минг сўмлик гулдаста гулчамбарлар гуё В. И. Ленин мақбараси ва Номаълум солдат қабрига қўйилгандек кўрсатилганди. Марҳумни хотирлашга сарфланган ҳарajatларнинг изини қалбаки молиявий ҳужжатлар ёрдамида йўқотишни эса ИИБ хўжалик бошқармаси (ХБ) ходимлари ўз зиммаларига олишди.

Шчелоков қизи ва ўғлини жону дилидан яхши кўрарди. Шунинг учун уларнинг егани олдида, емагани орқасида бўлди. Болалар улғайгач, ота уларни катта хонадонли қилди. Ҳатто олий сифатли уйларнинг кўриниши

К. Столяров

ТУЗУМ



фарзанди



зурриёдлари дидига ўтиришмагани учун ИИБ кучи билан «таъмирлаш» деб аталмиш ишлар бажарилиб, хоналар халқаро стандарт талабига етказилди. Пулнинг бетига қарашмади. Масалан, ўғлининг хонадонни таъмирлаши учун дастлаб 8 минг тўлашди. Кейинчалик эса харажатларнинг катта қисми ИИБ хизмат объектларига сарфланди, дейилгани маълум бўлгач, кассага яна 20 минг сўм пул ўтказилди. Албатта Шчелоковлар ҳисобидан эмас.

Фарзандлар харидоргир моллар тақчиллигидан ҳам заррача азият чекишмади. Ҳукумат аъзоси ҳисобланган Шчелоков Марказий кўпмолли дўконнинг 200-бўлмаси хизматидан фойдаланарди. Бироқ оила кенгайиб борарди. Шунда у айёрони йўл тутди. ССЖИ ИИБ оператив таркибига хизмат кўрсатиш ниқобида Москва гарнизонига қарашли 3-кўпмолли дўкон филиалини очишга эришди. Аслида филиал эшиги фақат Шчелоков оила аъзолари ва уларнинг ақин қариндошлари учунгина очик эди. Бундай савдо нуқтаси мавжудлигини ҳатто вазир ўринбосарлари, шу жумладан, Чурбанов ҳам билмаганини айтиш кифоя қилса керак. Шчелоковнинг хотини, қизи ва келини мунтазам равишда «Центросоюз», «Казноэкспорт» оморларидан камёб ҳорижий магнитофон, телевизор, радиомоллари, пойафзал, кийим-кечак, мўйнали буюмлар ва бошқаларни танлашган. Кейин эса товарлар маҳфий дўконга келтирилиб, йилига 50-70 минг сўмлик савдо-сотик амалга оширилган.

Савол туғилади. Шунча кийим-кечак, саноат молларини нима қилишарди? Бунга ҳозиргача жўяли жавоб йўқ. Хайриятки, гувоҳларнинг кўрсатмалари бу сирли жумбоқни ечишда кўмаклашди. Маълум бўлишича, йилига ёз мавсумини Пицундада утказишга одатланган Шчелоков келини ҳар сафар хизмат самолёти — «Ту-134»га катта миқдордаги ноёб молларни ортган. Тергов материалларида олди-сотдини тасдиқловчи далиллар бор. Кейинроқ «эски пулларни алмаштириш тadbирин» деб ном олган иш бундан далолат беради.

Тергов давомида аниқландики, ҳар йили кузда ИИБ кассаси вазир илтимосига биноан истеъмолда бўлган қозғ пулларни банкдан келтирилган янгиларига алмаштирган. Кассирларнинг гувоҳлик беришича, алмаштирилган пулнинг умумий миқдори 100-120 минг сўмни ташкил этган. Шчелоковнинг ўзи бу тadbирини шундай изоҳлади: «Бу менинг шахсий жамгармадаги пуллар бўлиб, уларни сақлаш осонлигини ўйлаб алмаштирганман».

Сийқаси чиққан пулдан бир дунёси Шчелоковга қандай тушиб қолди? Улар энг учуда узатилган порага тегишли, деган фараздан мутахассислар дарҳол воз кечишди. Унинг даражасидаги кишиларга адоий тамом бўлган, учталик, бешталик, унталикни чойчақага беришмайди. Фақат ягона таҳмин ўрилади деб топилди. Бу Шчелоков яқинлари амалга оширган

савдо-сотик пуллари эди.

— Александр Филиппович, балким мен Шчелоков оила аъзоларнинг хулқ-атворида эътиборни ҳаддан зиёд қаратаётгандирман? Ахир, кўз олдидаги ноз-неъматдан воз кеча олмаслик, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш тирик инсонга ҳос хислат-ку! Одамзот табиатдан шундай.

— Бироқ ҳамма нарсанинг чекичегараси бор, — эътироз билдирди Катусев. — Шчелоковнинг хизмат мансабини ғаразли мақсадда суистеъмол қилишини тўласича текшириш жараёнида унинг фаолияти ҳақида суратга олинган кўздан-кўп кино-видеоматериаллар билан танишиб чиқишга тўғри келди. Унинг Марказий ойнаи жаҳонга берган интервьюси эсимда турибди. Вазир капиталистик жамиятда жиноятчилик тинмай ўсаётгани ҳақида гапириб, америкалик полициячиларга ҳамдардлик билдирган ва пролетар инқилобига уларни қўтқариб қолиши мумкинлигини уқтирган. Кейин мамлакатимиздаги вазиятга тўхталиб, болаларни тарбиялашда оила ролини, хусусан, ота-она масъулиятини таъкидлаб ўтди. Ўзи эса ёмон тарбиячи бўлиб чиқди.

Калинин вилоятининг Каноков туманидаги Редкино қишлоғида уловхонаси ва ҳаммоми бор, гиштли данғиллама ҳовли Шчелоковнинг арзандаси номига расмийлаштирилганди. Шунга қарамасдан вазир ўғли Николина Гора қўрғонида ИИБ ХБга тегишли бетон плиталар ва пулни Ярослав вилояти ИИБ тўлаган пардозли гиштдан фойдаланиб, иккинчи далаҳовлини қуришга киришди. Вақти келиб ундан нима учун харажатларни ёнидан тўламаганини сўрашганда, сира уялмай-нетмай бу ҳақда бирор кимса оғиз очмаганини айтди. Кейин ўлганининг куниндан давлатга етказилган зарарни қисман қоплаш учун 7 минг сўмни чўнтагидан чиқарди.

«Болаларча шўхлик»дан ҳам ўзларини тия олишмаган. Совға сифатида берилган буюмларни ИИБ ХБ оморига топширишган. Албатта, нақд пул эвазига, ХБ ходимлари эса харажатини тўғрилаш учун савдо ташкилотларидан қалбаки чек уюштиришга мажбур бўлишарди. Еки яна бир ғаразли кўзгатадиган фактни кўздан кечирайлик. Ирина Шчелокова оиласидаги уй хизматкори фуқаро Г. ИИБ ХБда б-малакали чидагар-таъмирчи ҳисобланади. Игорь Шчелоков қизчасининг энагаси фу-

қаро М. коммунал-далаҳовли хизмати хўжалик мудири штатидан маош оларди.

— Бу «тайинланувлар» Шчелоковга билдирилмай қилинардики ёки?..

— Балким у кўп нарсадан хабардор бўлмаган, холбуки яқинларининг кирдикорлари секин-аста юзсизлик ва очикдан-очик қонунга хилофлик тусига кирди. Бу Шчелоковни, дарвоқе турғунлик даврининг бошқа арбобларини ҳам, кечасию кундузи улар оғизга тиқилган ва улар учун ҳамма нарсага тайёр лаганбардорлар ўраб олгани билан изоҳланади.

СЕРЕБРЯНИЙ БОРДАГИ УЛИМ

Шчелоков бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ички ишлар вазирлиги вазифасидан озод этилганди. Бу 1982 йил 16 декабрь куни юз бериб, хафагарчиликдан ташқари шу заҳотиёқ бир олам ташвиш ва чоп-чоп келтирди. Оила шошилиқ равишда кўч-кўронини ИИБга қарашли №1 ва №8 (Меҳмонхона) давлат далаҳовлиларидан, шунингдек, асосан вазирнинг шахсий буюмларини сақлашда фойдаланилган Герцен кўчасидаги 24-уйнинг «хизмат» хонадонидан ташиб ўтди. Бу машаққатлар тугамасдан туриб, бошқалари, ундан ҳам оғирроғи — ИИБ коммунал-далаҳовли хизматини ҳужжатли тафтишдан ўтказишда моддий бойликларни асосиз ҳисобдан чиқариш ҳоллари ва йирик қамомад аниқланди. Натижада Шчелоков давлатга тегишли буюмларнинг бир қисмини қайтаришга ва кассага нақд 64 минг сўм топширишга мажбур бўлди.

«Олиш» ва «бериш» тушунчалари ўртасида нафақат маъно жиҳатидан, балки руҳий томондан ҳам фарқ бор. Дунё шундай қурилган. Одамлар буюмларга кўникиб қолишди, ноҳақ бойиш нима эканлигини жуда тез унуттишди. Шунинг учун ўзлари ўрганган, ботинан ўзларига қарашли, ажралмас, деб ҳисоблашган нарсалар билан хайрлашиш маҳали етиб келганда, чуқур қайғуга ботишди. Шулар билан собиқ вазирга вақтинча берилган Серебряний Бордаги далаҳовлига қадам босган Светлана Владимировна ва Николай Анисимович Шчелоковлар расво кайфиятини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Эртасига нима воқеа юз берганини ўқувчилар фуқаро Т. кўрсатмасидан билиб олишлари мумкин. У тергов идоралари вакилларига қуйидагиларни билдирган: «Н. А. Шчелоков оиласини 1971 йилдан биламан, шу вақтдан бери уларнинг уйда хўжалик ишларини бажараман, уларга овқат тайёрлайман... Николай Анисимович билан рафиқаси ўртасидаги муносабат ўта яхши, самимий эди».

19 февраль-шанба кун, нонушта ҳозирлаш учун уларнинг далаҳовлисига эрталаб соат саккиз яримда келдим. Иккаласи ҳам таомни иштаҳа билан тановул қилишди, кийинишди ва сайрга чиқишди. Шчелоковлар гап-сўзи, ўзларининг туттишдан бирон-бир хавотирли нарса сезмадим, фақат Светлана Владимировна негандир ғамгин эди. Бироқ унинг бундай ҳолати кейинги пайтда доимо сезилиб турарди. Вазир далаҳовлисида бошқа далаҳовлига кўчишни, доимий дўстлари ва танишбиллишлари билан учрашув ҳамда алоқанинг тўхтатилишини ўзига жуда оғир оларди.

(Давоми бор).



ССЖИ ички ишлар вазирлиги генерали Н. А. Шчелоков ленинградлик машҳур ишчи В. И. Антоновга янги нусхадаги миллиончи паспортни топширмақда.

РАШК

Бир донишманддан сўрашибди:

— Айтингни, тақсир, дунёда энг бахтли деб қандай одамни айтиш мумкин?

— Саволингизга жавоб бериш қийин, — дебди донишманд бир оз хаёл суриб. — Бу борада ҳаммининг фикри ҳар хил. Лекин мен эрталаб уйдан ишхонасига, кечқурун эса ишхонасидан уйга шошиладиган одамни мукамал бахт соҳиби деб ҳисоблардим.

Чуқурроқ мулоҳаза юритилса, донишманднинг сўзлари гоёт пурҳикматли эканлиги маълум бўлади. Аммо шуниси ҳам борки, бундай мукамал бахт ҳаммага ҳам бирдай насиб этавермайди. Аксинча, атрофга разм солсангиз, ишхонасидан ҳам, уйдан ҳам безган, ҳаётда ҳеч қандай орзу-умиди қолмаган, вақт ўтса бўлди қабилада кун кечираётган чигал тақдир эгалари сон-саноқсиз. Ким бўлади, бу аҳволга тушиб қолишларида, эҳтимол, уларнинг ўзлари, қачонлардир йўл қўйган хатолари сабабчидир.

1930 йилда таваллуд топган Леонид Борисович Семикиннинг ўтмишидан биз мутдақо беҳабармиз. Шунинг биланмики, у аслида Фрунзе туманининг Гончаров кўчасидаги 67-уй рўйхатида турган бўлсада, 1980 йилдан бери Сирғали туманининг 2-дахасидаги 41-уй 39-хонадонда 61 ёшли Валентина Федоровна Скопенцова билан яшаб келган.

Ҳар иккисининг олаётган нафақа пулларини қўшганда ҳам, тирикчиликка аранг етарди. Лекин Леонид Борисович ичкиликка муккасидан кетган, қуриб кетгун спиртли ичимликнинг бир шишаси фалон пул турса, нима қилсин? Шу боисми, улар кўпинча бир-бири билан «сен-мен»га бориб туришарди.

Шу йил 14 июнь кунин Сирғали тумани ИИБга хунук хабар келди. Опергuruh зудлик билан оёққа турди ва кўп ўтмай улар истиқомат қилаётган манзилгоҳга етиб борди.

Чиндан ҳам даҳшатли манзара: бўғизланган Валентина Федоровна полда чузилиб ётар, Леонид Борисович эса жасаднинг тепасида дод-фарёд кўтариб, бошини чангаллаб ўтирарди.

— Энди қандоқ, яшайман, — деб йиғларди у. — Жанжаллашиб турсакда, унга ўрғаниб қолгандим. Кеча Сирдарёга балиқ овлашга кетгандим. Бугун келсам, Валя шу алфозда ётибди. Менда кимнинг қасди бор экан, худойим!

— Тинчланинг, Леонид Борисович, — деди ЖҚБ бошлиғи милиция майори Аҳад Содиқбеков, — урганамиз. Қотилни албатта топамиз. У қонун олдида жавоб беради!

У ана шу сўзлари билан жабрдийдага эмас, айнан қотилнинг ўзига тасалли бераётганини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Текширишлар бу ишда бошқа бировлардан гумон қилиш асоссиз эканлигини кўрсатди. Чунки пенсионерлар кейинги пайтларда деярли ёлғиз қолишган. Ҳеч қандай яқинлари йуқ.

Қолаверса, қўл учиди тирикчилик қилишган. Ҳатто егулик топиш ҳам улар учун муаммо бўлган. Унда ҳам бировнинг кўзига яхши кўринадиган ҳеч вақо йўқ. Ҳатто таъби нозикроқ одам бу хонадонга оёқ босиб киришга ҳам ижирганиши мумкин эди. Унда қотил ким бўлди?

Изқуварлар ўйлай-ўйлай Леонид Борисовичнинг ўзини чуқурроқ ўрганишга аҳд қилишди. Чунки чол-кампири орасида келишмовчиликлар бўлиб туришини Леонид Борисовичнинг ўзи ҳам тасдиқлапти.

Ниҳоят, тергов жараёни улар бундай хулосага келиб янглишмаганликларини тасдиқлади. Ҳаётда қўйган найрағи ўтмагач, Леонид Борисович тўғрисида тан олди. Воқеа бундай бўлган экан.

13 июнь кунин Леонид Борисович Сирдарёга балиқ овиға бормоқчи бўлди. Ашқол-дашқолларини кўтариб, темир йўл шоҳбекатиға борди. Ҳатто электр поездиға чиқиб ўтирди ҳам. Лекин нимагадир кўнгли гаш бўлаверди. Уйда кампирнинг ёлғиз қолганидан хавотирланди. Вагондан қайтиб тушди. Битта мириқиб фекиб олдида, кейин уйға келди. Қараса эшик ичкаридан қулфланган. Ҳайтовур ёнида калити оор экан, очиб кирди. Не кўз билан кўрсинки, сочлари оппоқ оқарган 61 ёшли Валентина Федоровна кип-яланғоч ҳолатда тахминан 35 ёшлардаги йигит билан... ётган экан. Дастлаб кўзларига ишонмади, туш кўрмайпманми, деб ўйлади. Лекин, минг афсуски, бу шармандали ҳолат ўнги эди. Кампирнинг ёшига жазмани апил-тапил кийимларини олиб, қўлтиғига қистирдида, қочиб қолди. Тутиб олмоқчи эди, кексалик панд берди.

Леонид Борисович қўлида пичоқ пайдо бўлди. Газабдан титраб-қақшаб, Валентина Федоровнаға бир муддат тикилиб қолди. Кейин, худди қўйни бўғизлагандек, унинг ажин тўшган томоғига пичоқ тортиди. Кампир ихраганча бир оз типирчилаб, қотди. Ҳамма ёқ кип-қизил қонға бўялди.

Шундан кейингина Леонид Борисович қилиб қўйган ишидан даҳшатга тушди. Ахир, аввал ҳам бир эмас, уч марта қамалган. Темир панжаралар ортидаги чиркин дунё ҳавосидан нафас олавериб жонига теккан. Бу иш учун эса тўртинчи марта ўша жойға тиқишлари аниқ. Шу боис бирор нарса ўйлаб топиш керак. Акс ҳолда қариган пайтида бу шармандалидан ўзга нарса эмас.

Ниҳоят, хаёлида йилт этиб пайдо бўлган фикрдан қувониб кетди. Ўзи кекса одам бўлса, ундан ким ҳам гумон қиларди? Устига-устак отни қамчилаб, милицияға ўзи биринчи бўлиб хабар қилади.

Шу ниятда марҳумани уйда қолдириб, эшикни қулфладида, ўзи балиқ овиға жўнади. Эртаси кунин қайтиб келди-ю, дод-фарёд кўтариб, қўни-қўшнилариға ёрдамға чақирди...

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
Исмонжон МИНАВВАРОВ.



Чиноз тумани ички ишлар бўлимида ибрат олса арзийдиган ажойиб тадбирға қўл урншган. Бу ерда ходимларға яхши иш шароити яратиб билан бир қаторда уларнинг дастурхонларини ноз-неъматға бойитиб борасида ҳам астойдил қайғурилмоқда. Шу мақсадда туман ички ишлар бўлимида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган.

Бўлимнинг дам олиш масканидаги ярим гектарлик боғ-меваларни фарқ пишган дархтлардан ўзгача түс олган, 60 туздан зиёд дарахтнинг ҳосили йиғиштиришға киришилди, у ходимлар орасида тарқатилди.

Кичкина чорвачилик фермасида 10 бош буқа, 30 бош қўй боқилмоқда. Фермадан олинган 20 минг сўм фойда эвазига муҳтож оилаларға ёрдам кўрсатилмоқда, байрам кунлари ходимлар рағбатлантирилмоқда.

Суратда: боғбон Кенжа Мўминов ва милиция майори Арслонбек Усмоновлар дастурхонға ўзиладиган ҳосилини кўздан кечиришмоқда; молбоқар Шўҳрат Қўшоев ва милиция капитани Ботир Бойматовлар фермадаги молларға озуқа беришмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОҶОВ олган суратлар.

ТАҲЛИЛ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Яқинда Тошкент вилояти ИИБ 1-қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси ходимларининг ярим йиллик иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида анчагина ижобий ўзгаришларға эришилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 600 нафарға яқин дайдилар рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг 65 нафари қидирувда юрганлар, 25 нафари кўзгатишган жиноий иш «муаллифлари», 7 нафари УЭССЖ ЖМнинг турли моддалари билан айбланганлар эканлиги аниқланди. Умумий ҳисоб-китобға қараганда, муассасасага келтирилганларнинг 200 нафари ўзбекистонликлар бўлиб, 58 нафари Тошкентдаги шаҳри азимға сигмай қолганлар экан. Яна 200 нафар дайди эса серобчилик юрти бўлиб Ўзбекистонға олиб Россиядан сафар қилган «саб-ҳатчи»лар бўлиб чиқди.

Ана шу муваффақиятлар билан бир қаторда айрим камчиликлар тўғрисида ҳам сўз юритилди. Муассасамиз жойлашган бино аслида 100 нафар дайдини вақтинча тутиб туришға мўлжалланган. Қолаверса, шунақа эскики, ҳар йили икки марта таъмирланмаса, илож йўқ. Ана шу шароитда биз бир неча юзлаб чақирилмаган «меҳмон»лар билан шуғулланишимиз керак.

Ана бир қанча муаммоларимиз борки, уларнинг ўткирлиги туфайли кўпинча қўзланган режани амалға оширолмай қолаёмиз. Хусусан, хизмат машиналари анча-мунча эскириб қолган, уларға ёнлиги эҳтиёж даражасида берилмайди, эҳтиёт қисмлар билан таъминлиши ҳам оғир аҳволда. А. КОМИЛОВ, муассасаса бошлиғи ўринбосари милиция майори.

Ҳаётни шу каби хавф остида қолдириш шарт эмас. Рўзномамизга обуна бўлиб, уни тинчгина уйда олишға нима етсин!

Обуна рақами: 64615
ОБУНА БАҲОСИ: 1 ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЙИН